
Фурқат тумани Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи вазифасига раҳбар тайинланди

Баҳромжон Абдуллаев Тўхтамуродович Фурқат тумани Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи лавозимига тайинланди. Бу тўғрисида Фарғона вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармасининг тегишли буйруғи қабул қилинди.

Б. Абдуллаев 1981 йилда Фурқат туманида туғилган. 2008 йилда Қўқон Давлат педагогика институтини, 2014-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарув академиясини тамомлаган, 2015 йилда Сингапур давлати Менежментни ривожлантириш институтида диплом химоясини амалга оширган.

Меҳнат фаолиятини 1999-2016 йилларда Навбаҳор почта алоқа тармоғи бўлимида турли вазифаларда бошлаган. 2017-2020 йиллар давомида туман ҳокимлигида турли масъул лавозимларда меҳнат фаолиятини олиб борган.

2020 йилдан тайинловга қадар Фурқат тумани бандликка кўмаклашиш маркази директори лавозимида ишлаб келаётганди.

2023-04-10 17:11:12